



Ishonch

Бизнинг энг улуг мақсадимиз, энг улуг гоёмиз шуки, Ўзбекистоннинг битта йўли бор: мустақилликни мустаҳкамлаб, мамлакатимизни ҳар томонлама юксалтириб, ёруғ ва эркин ҳаёт сари олға юриш.

Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федератсияси газетаси

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan

Замонавий шифо маскани



2003 йилда ташкил топган Республика қасаба уюшмалари даволаш-профилактика маркази ўтган вақт мобайнида катта тиббий тажриба тўплади. Узига хос жиҳат шундаки, бу ер кўпроқ санаторийга ўхшаб кетади, ammo беморлар комплекс назоратдан ўтади. ЭКГ, УЗИ, компьютер томографияси, эндоскопия ва бошқа текширувлар ўтказилиб, тахлил натижаларига кўра шифокор тайинланади. Раҳбар И.Набиева ишга юқори малакали мутахассисларни жалб қилган.

ш и д а Ўзбекистон қ а с а б а уюшмалари Федерацияси яқиндан ёрдам бермоқда, — д ё й д и бош ўринбосари Л.Цанаева. — Янги технологиялар билан

қўрсаткичларнинг яхшиланишида ҳам ТКП муҳим аҳамият касб этади.

Бу ердаги мижозлар ўзларини қасалдек ҳис қилмаслиги, руҳан тетик бўлишига эришиш, улар билан дўстона мулоқот олиб бориш марказдаги ҳар бир шифокорнинг шioriга айланган. Қабул вақтлари ҳам беморлар билан келишилган ҳолда белгиланади. Шунинг учун терапевт, невропатолог, андрокринолог, жарроҳ, проктолог, окулист, гинеколог ва урологлар муолажасига келганда навбат кутилмайди. Умуртқа поғонасини чузиш, автоматлаштирилган гидроконтротерапия, игнали рефлексотерапия, герудотерапия, мануалтерапия ва турли хил массажлар ҳар қандай қасалликни аниқлаб, даволаш имконини беради.

Даволаниш жараёнида нафақат тиббий, балки барча жиҳатлар рисоладагидай бўлиши лозим. Марказда бунга алоҳида эътибор қаратилган. Хоналарда барча шaroит муҳайё. Мухташам ошонада безатилган дастурхон атрофида ўтирганда ўзингизни зиёфатга келгандай ҳис қиласиз. Мохир пазандалар тайёрлаган мазази ва шифобахш таомлар иштахангизни очиб юборади. Шу боис даволаш-профилактика марказига кўнчилик мижозлар такрор-такрор келишмоқда. Минг бор эшитилган бир бор кўрган афзал дейишарди. Яхшии, сиз ҳам келиб кўринг. Ўтган вақтингизга ачинмайсиз.

Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ, «Ishonch» муҳбири
Икром ҲАСАНОВ олган суратлар



Инсон манфаатларини кўзлаган дастур

Қаршида юртбошимизнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни баратарф этишининг йўллари ва чоралари» асари ҳамда 2009 — 2012-йилларга мўлжалланган инкирозга қарши чоралар дастурини ўрганиш ва унинг бажарилишига кўмаклашиш бўйича қасаба уюшмаларининг вазифаларига бағишланган ўқув-семинари бўлиб ўтди.

Анжумани Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Дилбар Жаҳонгирова ва очди ва ҳозирги шароитда меҳнатқашлар ижтимоий-иқтисодий манфаатлари уйғунлигини таъминлаш соҳасида қасаба уюшмалари олдида турган вазифаларга эътиборни қаратди.

Семинарда Федерация кенгаши раисининг ўринбосари Нормамат Аллаёров «Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг жаҳон иқтисодий инкирози оқибатларининг олдини олиш ва баратарф этиш бўйича инкирозга қарши дастури бажарилишига кўмаклашиш чора-тадбирлари тўғрисида» маъруза қилди. Унда аҳоли иш билан таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш, томорқаларни кенгайтириш, деҳқон ҳўжалиқлари ва қасаначиликни кенг йўлга қўйиш муҳимлиги таъкидланди.

Қашқадарё вилоят ҳокимининг ўринбосари М.Хайитмуродов аҳолининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган ишлар, вилоят маънавий-маърифат маркази раҳбари Л.Саодатова эса маънавий-маърифий тарғибот тадбирлари ҳақида гапириб бердилар.

Республика қасаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг бўлим мудирлари В.Кочкаров, М.Исаев, У.Адилов, А.Рисқуллар, А.Асадов, етакчи мутахассислар С.Сайфуллаев, Н.Ишанқонова меҳнатқашлар манфаатини ҳимоялаш, меҳнат муҳофазаси қондаларига риоя қили-

ниши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, маданий-маърифий тадбирлар, ижтимоий суғурта маблағларидан оқилона фойдаланиш, молиявий интизомни мустаҳкамлаш ҳақида чиқиш қилдилар.

Семинар қизгин баҳс ва савол-жавоблар асосида ўтди.

Шундай тадбир Сурхондарё вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида ҳам ўтказилди. Уни ЎзКУФК раисининг ўринбосари Н.Аллаёров очиб, инкирозга қарши чоралар дастури доирасида амалга оширилган ишлар, қолаверса, Федерация белгиллаган чора-тадбирларнинг ижроси ҳақида батафсил тўхтади.

Сўнг Сурхон воҳасида маънавий-маърифий, гоёмиз-маъқуравий тарғибот тадбирларини амалга ошириш юзасидан 2009 йилдаги вазифалар ҳақида Сурхондарё вилоят ҳокимининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ёрдамчиси, иқтисод фанлари номзоди А.Тошқулов маъруза қилди.

Семинарда меҳнат муҳофазасига оид қондаларга амал қилиниши устидан жамоатчилик назоратини ташкил қилиш, ҳуқуқий масалалар, қасаба уюшма органларида маданий-маърифий ва спорт тадбирларини тақомиллаштириш юзасидан ЎзКУФК бўлим бошлиқларининг маърузалари тинланди.

Ўз муҳбирларимиз

Хушхабар Коллежнинг янги биноси

Нукус шаҳрида 210 ўқувчига мўлжалланган темир йўл транспорт касб-хўна колледжининг янги биноси қўриб фойдаланишга топширилди.

Уни Тошкент 1-электромонтаж поезди қувватлари бунёд этишди. Уч қаватли ўқув биноси, фан кабинетлари ва лабораториялар, 200 ўқувчига мўлжалланган ётоқхона, спорт зали, акборот-ресурс маркази, 200 ўринли ошона замонавий жиҳозлар билан тўлиқ таъминланди. Мазкур коллежни тугаллаган биринчи қалдирғочлар темир йўл тизимида иш ўринлари билан таъминланади.

Феруза ХУДОЙҚУЛОВА

Фаоллар ўқуви Ҳуқуқий саводхонлик

Меҳнатқашларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш қасаба уюшма ташкилотлари фаолиятининг асосий йўналишларидан биридир. Шу боис, Тошкент вилояти савдо-матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар қасаба уюшмалари кенгаши «Меҳнат шартномасини тузиш, уни ўзгартириш ва бекор қилиш» мавзусида ўқув-семинар ўтказди. Тадбирда қасаба уюшма етакчилари ҳамда ҳуқуқшунослар иштирок этди.

Йиғилишда Президент Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни баратарф этишининг йўллари ва чоралари тўғрисида»ги китобининг ахамияти ҳақида ҳам тушунча берилди. Мазкур масалалар юзасидан вилоят тармок қасаба уюшма кенгаши раиси Б.Мирзаев, ҳуқуқшунос Н.Ефимова ва бошқалар сўзга чиқиди.

Ўз муҳбиримиз

«Инсонга наф келтириш — олий бахт» таниловига

Қадрлаган қадр топади

Ўзгаларни иззат-иқром қилган кишининг ўзи ҳам вақти келиб эҳтиромга сазовор бўлади. «Чортоқ» санаторийси ОАЖ қасаба уюшма кўмитаси раиси Шарифжон Усмонов шундай замонадошларимиздан.

— Мен учун санаторий ҳар жиҳатдан азиз ва қадрли. Раҳматли дадамиз санаторийда ишлаган. Болалигимда кўлидан кетмонни олиб, отамга қарашганман, — дейди Шарифжон.

Ҳозир Шарифжон водий вилоятларидан тортиб, Сурхон-Хоразм воҳаси, қорақалпоғистонлик дўстлари, қадим Бухоро, Самарқанд, азим Тошкентда қалбига яқин кишиларни топганини фахр билан тилга олади. Албатта, ҳавас қиларли бундай мартабага у ўттиз икки йиллик меҳнати туфайли эришди. Тошкент маданият техникумини битирган ёш йигит «Чортоқ» санаторийси қошидаги «Шифокор» ашула ва рақс ансамблининг бадий раҳбари бўлиб ўн олти йил ишлади.

Санаторийга салкам йигирма икки йил раҳбарлик қилган шифокор Миршохид Мирсайдуллаевнинг кўл остида яқин ходим бўлиб шаклланди. Мана энди ўн бир йилдан бери маданият саройи директори ҳамда санаторий қасаба уюшма кўмитаси раиси сифатида фаолият кўрсатапти. Даволанувчиларга етарли шарт-шароит яратишда маъмурият билан тенг ишлашни Шарифжон Усмонов бурчи деб билади. Айниқса, муҳим ишловчи 290 нафар, ёзги мавсумда

қўшимча ишларга жалб қилинадиган 50-60 нафар ходимнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимояси ҳамisha раиснинг эътиборида.

Бу ерда даволанувчилар билан бирга ходимларнинг соғлигини яхшилаш ниятида югуриш йўлакчаси, теннис корти, волейбол ва баскетбол майдончалари барпо этилди. Ўтган йили санаторийнинг иқтисодий аҳоли яхшиланиши боис олинган соф фойда ЎзКУФК томонидан жамоа иштирокида қолдирилиб, ходимларни моддий рағбатлантиришга сарфланди. Бундан ташқари, ўттиз бешта кам таъминланган ходимга 3 млн. 174 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Санаторийда ишлаб пенсияга чиққан 24 кишининг саломатлигини тиклашга ёрдам берилди. Ёлғиз яшовчи беш нафар қарияннинг ҳолидан хабар олиш жараёнида 250 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Санаторий оталиғида бўлган 14-мактабгача таълим муассасаси таъмирланди. Жамоада узоқ йиллар ишлаб пен-

сияга чиққан Маҳбуба Мирзаахмедова ва санаторий ходими Зоҳида Абдуллажоновга биттадан қорамол олиб берилди.

Бу ерда ходимларни даволаш самардорлигини оширишга ҳизмат қилувчи янги тиббий асбоб-анжомлар билан таъминлаш ҳам яқин йўлга қўйилган. Ўтган йили бунинг учун 58 млн. 699 минг сўм сарфланди.

Бу маблағ ўз-ўзидан жамғарилмаганлиги аниқ. Утиш даврининг қийинчиликларини сабот билан енгган жамоа бозор иқтисодиёти шароитида «Олма пиш, оғзимга туш!» қабилида иш тутаётганларнинг ҳоли ва бўлишини аниқлаб етган. Сабзавотлар бозордан сотиб олинмайди, шу ернинг ўзида етиштирилади. Ҳозир ярим гектар ердаги санта навли қартошка етилиш арасида. Яна шунча майдондаги қарам қутилганидан зиёда ҳосил беришга шубҳа йўқ. Барқ уриб ривожланиётган помидор ва қалампирлар ҳадемай оғизга тегади. Санаторий ҳудудига ўтказилган 500 туп олма, 500 туп беҳи, 50 туп журмо кўча-ти узогли билан ўн-тўрт йилда мева беришига ишонамиз.

Ишга бундай ёндашувнинг самараси салмоқчилигини таъкидлаган қасабақўм раиси Шарифжон Усмонов шундай дейди: — Улуғларимиз: «Кўли текканнинг оғзи ҳам тегади» деб бежиз айтиш-



Асқарали МАМАТОВ Наманган вилояти

маган. Экинлардан олинаётган ҳосилдан нафақат дам олувчилар, балки ходимларимизнинг ўзлари ҳам баҳра олишаётгани боис енг шимариб ишлаймоқда.

Шарифжон эришилаётган ютуқларини атрофидаги ҳамдам ва ҳамнафас одамларнинг фидойиликлари билан ободлайди.

— Ишимиз кўнгулдагидек бўлиши учун Санталат Товбаева, Зухриддин Қирғизов, Обиджон Турғунов сингари фаолларимиз беёминнат ёрдамини аямаяптилар. Уларнинг барчаси меини суянчим, таянчим, ишонганим...

Қадр қилган қадр топади. Келажакда бир-бирини қўлгадан ахил ҳамкасблар эришажак ютуқлар янада салмоқли бўлишига шубҳа йўқ.

Анорбой НОРҚУЛОВ, «Ishonch»нинг жамоатчи муҳбири

Тадбир Қаҳрамонларни ёд этиб...

Тошкентдаги «Турон» ахборот-кутубхона маркази ва Миробод туманидаги 213-мактаб жамоаси ҳамкорлигида «Хотира» мукаллас — қадр абадий» номи алабий-муслик кеча ўтказилди. Унда «Турон» АКМ шўба мүдир Мухтабар Раҳимова эл-юрт озолигини учун жон фидо қилган юртдошларимизнинг жасорати ҳақида гапириб берди.

Мақтаб ўқувчилари ватан, тинчлик ҳақидаги шеър ва қўшиқларни ижро этдилар. Шунингдек, миллий кадриятларимизни акс эттирган дастур ҳамда «Оғоҳлик — давр талаби» мавзусида сахна кўринишлари намойиш этилди.

Тадбирда Миробод туманидаги 12 та мактабнинг АРМ мүдирлари ва туман халқ таълими бўлими ходимлари қатнашди. Тадбирдан сўнг «Турон» АКМ ходимлари, ўқитувчилар, маҳалла фаоллари гул ва соғвалар билан маҳаллаларда яшовчи уруш қатнашчилари Абдуфаттоҳ Садриддинов, Дмитрий Алексеев, Нина Колпаева, Людмила Пудиналарни табриқлагани боришди.

Даврон РАЖАБ

Модернизация «Қандолат люкс» иш бошлади

Андижон вилояти «Матлуботсавдо» акциядорлик компанияси томонидан Хўжаобод туманида «Қандолат люкс» унитар корхонаси ташкил этилди. Корхонани модернизациялаш ва янги жиҳозлар билан таъминлаш учун «Микрокредит-банк»нинг шаҳар бўлими томонидан 15 миллион сўм кредит ажратилди.

Натижада, цехда нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, 15 нафар ишчи доимий иш урнига эга бўлди. Туман савдо ишлаб чиқариш хиссасдорлик жамияти маълумотига кўра, йил охиригача яна бир нечта савдо дўкони ва мини-маркетлар ишга туширилиши кўзда тутилган.

Абдулхай ЮСУРОВ, «Ishonch» муҳбири

Анжуман

Яқинда Марказий банк ташаббуси билан «Асакабанк» марказий биносида «Банклар томонидан иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини молиявий кўллаб-қувватлаш» мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.

Иқтисодиётнинг барқарор ривожини

— Бугунги кунда мамлакатимиз банклари ўзларининг ривожланиш стратегиясини айнан реал сектордаги ўсиш билан чамбарчас боғламоқдалар. Жумладан, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, модернизациялаш, янги технологияларни татбиқ этиш, шу орқали маҳсулот рақобатбардорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда, — дейди Марказий банк раисининг ўринбосари Шухрат Хайдаров. — 2009 йил 1 апрелига қадар иқтисодиётнинг реал секторига 7 трлн. 89 млрд. сўм ҳажмда ажратилган кредитларнинг асосий қисми худди шу мақсадларга йўналтирилган. Эътиборли томони шундаки, кредит кўйилмалари таркибида ўрта ва узоқ муددатли кредитлар улуши ортиб бориши кузатилаётган. Ҳозирги пайтда банкорт деб эълон қилинган ишлаб чиқариш корхоналари аукцион ва танлов савдоларида тижорат банкларига мулк сифатида сотилмоқда. Банклар бу корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва қайта тиклаш бўйича инвестицион маблағларини киритмоқда. Шу тариқа 70 та банкорт корхона тижорат банкларига тасарруфга ўтказилди.

Шунингдек, анжуманда иқтисодиётнинг реал сектори асосий соҳалари корхоналарини кўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор фаолиятини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш юзасидан қилинган ишлар «Асакабанк» мисолида таҳлил этилди.

— Президентимизнинг 2008 йил 18 ноябрдаги фармони ижросини таъминлаш мақсадида «Асакабанк» бош офисида банкнинг корхоналарни бошқариш департаменти ташкил этилган эди, — дейди «Асакабанк» бошқаруви раиси Қаҳрамон Арипов. — Департамент томонидан «Айдемир текстиль» ҚК, «Берунийтекс» ҚК, «Райхон» ОАЖ, «Конимит» ҚК ва «Лола модель» ҚК каби банкорт корхоналарининг кредит эвазига банк балансига қабул қилинган мол-мулк базасида янги корхоналар ташкил қилиш ишлари олиб боришмоқда. Шу билан бирга, халқаро молия институтлари (ОТБ, ИТБ, ҚФВ, Хитой кредит линиялари) маблағларини жалб қилиш орқали кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик корхоналарини ривожлантириш ишлари изчил давом эттирилмоқда.

Баҳс-мунозара рўйида ўтган анжуманда ОАВ вакиллари ўзларини қизиқтирган саволларга атрофича жавоб олдилар.

Акмал ТОШЕВ, «Ishonch» муҳбири

Бондлик «Халқ банк»нинг Сирдарё вилояти филиали кичик бизнес субъектларига ўтган йили 1 млрд. 318 млн. 700 минг сўм, бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан 171 млн. 400 минг сўм кредит ажратди. Ушбу сармоялар ҳисобига 425 та иш ўрни барпо этилиб, 1 млрд. 490 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.


ИШ ЎРИНЛАРИ КЎПАЙДИ

Банк фермерларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлашга ҳам катта эътибор қаратмоқда. Ўтган йили 20 та фермер ҳўжалигига 690 млн. сўм кредит ажратилган бунинг исботидир. Натижада, «Фулом Карим», «Исоқ ота», «Офарин», «Опоқ орзулар» каби фермер ҳўжалиқлари янги техникалар билан таъминланди.

◆ Етакчи минбари

Режалар аниқ

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилда амалга оширилиши лозим бўлган ишларни аниқ ва пухта режалаштириб олдик. Хусусан, Асака туманидаги 2-мактабнинг маънавият-маърифат бурчаги ва Кужан қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги автомобил коллежига спорт анжомлари сотиб олишда хомийлик ёрдами кўрсатамиз. Шу билан бирга, чекка қишлоқларда яшовчи ишчи-ходимларнинг фарзандлари ўрта-сизда спорт мусобақалари ўтказилади. Корхонамизнинг 4500



нафар ишчи-ходимини тиббий кўриқдан ўтказиш натижаларидан келиб чиққан ҳолда уларнинг соғлигини тиклаш мақсадида



сиҳатгоҳ ва дам олиш уйларига лозим даражада йўланмалар ажратилади. Ўтиб даволанишга муҳтож бўлган аъзоларимиз Анди-

жон тиббиёт клиник шифонасида муолажа олади. Ушбу мақсадлар учун 20 млн. сўм сарфлаш кўзда тутилган. Шунингдек, ходимларимизнинг 900 нафар ҳамда Асака шаҳар Муқимий маҳалласидаги кам таъминланган оилаларнинг 60 нафар фарзандига ёзги таътилда бепул дам олиш имкони берилади. Ишчи-ходимларнинг кам таъминланган оилаларига ва корхонада ишлаб вафот этганларнинг фарзандларига 400 минг сўмлик ўқув қуроллари олиб бериш ҳам режамизда бор. Зеро, қаердаки ходимларга қулай меҳнат шaroитлари яратилса, ўша ерда олдинга силжиш бўлиши муқарраб.

Мирфозил ОЛИМОВ,
«GM-Ўзбекистон» ЁАЖ
корхонаси касаба уюшма
қўмитаси раиси

Асли Самарқанд
вилоятининг Нуробод
туманидаги «Карнаб»
қишлоғиданман. Бола-
лигим бегубор ўтди.
Талабалик йилларим
осмонларда учиб юрад-
дим. Укам Абдурасул-
нинг ўлими осуда
ҳаётимни остин-устун
қилиб юборди. Илк бор
изтироб чекдим.
Иним ўша йили ўрта
мактабни битираётган,
орзулари мўл эди.



Тақдиримдан мамнунман

Фалокат босиб, товукларга овқат бергани борибди. Қараса, ферма зим-зиё қоронғу. У чироқни ёқиб мақсадида очиб турган электр симини тутди ва...

Эҳ-х, дунёга сизмай кетдим, ўтирсам ўрним, юрсам йўлим қуяр, жигаримнинг сиймоси бир зум кўз олдимдан нари кетмасди. Агар фермада меҳнат муҳофазасига эътибор қилиниб, гамхўрлик чора-тадбирлари кўриб қўйилганида эди, балки Абдурасул хозир ҳам тирик юрармиди, афсус... Кўнглим тубида чўкиб ётган тоғдек армон ҳали-хануз ўртади.

Талабалик даврим ортада қолиб, Самарқанд шаҳридаги қурилиш-монтаж бошқармасида аввал чилангар, муҳандис, сўнг катта муҳандис гидрогеолог, прораб вазифаларида хизмат қилдим. Бу ўртада севган қизим Сурайёга уйланиб, бола-чақали ҳам бўлдим. Сираси, мансаб пиллаясидан кўтарилиб, ишларим юришгандан юришарди. Шундай кунларнинг бирида ишонадан квартира ажратилди. Бошим осмонга ётди. Қишлоқдан қатнаб ишлаш осон эмасди-да! Қолаверса, бола-чақа кўз олдингизда бўлгани дуруст. Отам бу гапни эшитиб:

— Қаерда бўлсаларинг, омон бўлинлар! — деб дуога қўл очди.

Калин қор ёққан бўлиб, изғирин танни чимчилар, «туф-ф» деса, тупук музлаб қоларди. Уша кунни биз кўчдик...

Отам эса ферма мудири билан отарга қўйлар учун сув олиб кетди. Улар қайтаётганида қош қорайиб қолганди.

— Йўл жуда сирпанчик экан-а, секинроқ ҳайдаверинг, — дейди ферма мудири.

Отам тажрибали ҳайдовчи, боз устига эҳтиёткор ҳам эди. Лекин қишлоққа чамаси икки километр қолганда машина сирпаниб йўлдан чиқиб кетди ва ҳалокат содир бўлади. Ферма мудирининг куни бор экан, лекин отам...

Эртасига яна ортага қайтдик. Беш укага бош бўлиш, муштирап онаизорга кўмак бериш энди менинг зиммамда эди. Шу ерда жойлашган Навоий тоғ-кон металлургия комбинати тасарруфидаги жанубий кон бошқармаси рундикда иш фаолиятини давом эттирдим. Имкон қадар одамларнинг қорига ярашга, мушуқуларини осон қилишга уриндим. Пироварди кўпчилигининг кўнглидан чиқдим шекилли, бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси этиб сайланди. 1992-1994 йиллар эса мазкур бошқарма раҳбари ўринбосари, 1994 йилдан — 2005 йилгача эса комбинат касаба уюшма қўмитаси раисининг ўринбосари, 2005 — 2009

йиллар комбинат касаба уюшма ходимлари кенгаши раисининг ўринбосари вазифаларида меҳнат қилдим. Энди эса кенгаш раисиман.

Комбинат бугунги кунда республика оғир саноати ривожига улкан ҳисса қўшаётир. Унда 65 минг киши меҳнат қилаяпти. Уларнинг иш жойлари қулай ва соз. Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги доимий назоратда. Ойлик маош ўз вақтида бериб турилибди. Дам олиш соатлари учун намунали шaroит яратилган. Иш жойларида техника хавфсизлигига ва меҳнат муҳофазасига қатъий риоя қилинаётир. Фалокат оёқ остида берганларидек, бирор нохуш ҳодиса юз берса, касаба уюшма ходимнинг суянган тоғига айланмоқда. 2005 йилдан бери хар йили «Меҳнат муҳофазаси бўйича энг эҳси вакил» мавзусида кўрик-танлов ўтказилиб, голиблар муносиб тақдирланяпти. Ишчи-ходимлар турли сиҳатгоҳларда саломатликларини тикламоқда. Уларнинг ўғил-қизлари болалар оромгоҳларида мириқиб хордик чиқаришаётир. Жорий йилда 13 минг 536 нафар бола комбинат тасарруфидаги «Горный», «Искорка», «Золотинка», «Орлёнок», «Олимпиец» ва бошқа оромгоҳларда дам олиш режалаштирилган. Спортга эътибор ҳам кўнглидагидек. Навоий, Зарафшон, Учқудуқ ва Нуробод шаҳарларида комбинат тасарруфидаги 5 та стадион, 6 та сузиш ҳавзаси, спорт саройи ва яна талай шохобчалар ишчи-ходимлар ихтиёрида. Навоий шаҳридаги «Сўғдиёна» физкультура-спорт клубида 1300 нафар ўсир спортнинг сузиш, юнон-рум кураши, бокс, бадий гимнастика, дзю-до ва бошқа турлари билан шугулланяпти.

Фахр ила таъкидлаб ўтиш жоиз, Пекин халқаро олимпиадасида 7 нафар спортчимиз иштирок этиб, ажойиб ютуқларни қўлга киритиб қайтди. Президентимиз Фармонига кўра Ирина Шлемова «Дўстлик» ордени, Шохрух Нуриддинов эса «Шўхрат» медали билан тақдирланди.

Бир сўз билан айтганда, комбинатда ишлаш роҳатга айланиб бораётир. Эзгу ишларни амалга оширишимизда иш берувчи билан имзаланган жамоа шартномаси бизга дастуриламал бўлмоқда.

Исроил РАҲМАТОВ,
Навоий тоғ-кон металлургия комбинати
касаба уюшма ходимлари кенгаши
раиси



Санъатга уйғун ҳунар

Наманганлик Незматжон Солиев истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ кулолчилик билан жиддий шугулланишга киришди.

Оила аъзолари билан кулолчиликнинг қадимий аънавалари ва замонавий талаблар уйғунлигида чинни буюмлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Республика «Жунарманд» уюшмасининг аъзоси Н. Солиев хозирги кунда оилавий устахонасида 20 турдан зиёд чинни буюмлар ишлаб чиқармоқда.

Суратда: кулол Незматжон ака фарзандлари
Нодира ва Носиржон билан.
Ҳотам МАМАДАЛИЕВ
(ЎЗА) олган сурат

Марғилон механика
заводининг 100 га яқин
ишчилари «DAEWOO-
текстиль-Фаргона» қўшма
корхонасини 500 хилда-
ги эҳтиёт қисмлари
билан таъминлашмоқда.

Арзон ва сифатли

Хитойлик ҳамкорлар билан мини тракторлар, электрон мопедлар цех усталари томонидан йиғилиб тайёрланмоқда.

Бу митти тракторлар арзонлиги, ёнилини тежаси ва бошқа бир қатор афзалликлари билан боғдорчилик фермерларига манзур бўлаётир.

Электрон мопедлар эса халқ хўжалигида ишлатиладиган юк ташишда қўл келмоқда. Энг муҳими, ёнилига эҳтиёт йўқ. Мопедлар аккумуляторда ишлайди. Аини кунларда завод «Фаргонаазот», «ФНҚИЗ» ҳамда республикамиздаги пахта тозалаш заводларида эҳтиёт қисмлар ётказиб бормоқда.

Аҳмаджон ТҲУТАСИНОВ

◆ Бор бўл, оқибат!

ҲАМКОРЛИК чегара билмайди

Кейинги йилларда Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамағмаси Бухоро вилоят бўлими ва вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ўртасида ўзаро ҳамкорлик тобора мустақамланиб бормоқда. Ушбу ҳамкорлик кўп тизимли асосда олиб борилуватгани эътиборга моликдир.



Ўтган икки йил ичида биргаликда ўтказган қатор тадбирларимиз фикримнинг ёрқин мисоли бўла олади. Жумладан, «Шу азиз Ватан барчамизники», «Нуроний куйлаганда» тадбирлари, гамхўрлик гуруҳлари ташкил этилиб, қариялар, якка-ёлғизлар ҳолидан хабар олиниши, кексаликни тан олмаган отахонларнинг турли спорт мусобақаларини бошлаб бериши, ўзалари ҳам курашга тушиши одат тусига айланиб бормоқда.

Яқинда давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг вилоят вакилиги, вилоят «Ватанпарвар» ташкилоти билан ўтказган мусобақаларимиз ҳам катта таассурот қолдирди.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси, барча тармоқ Кенгашлари, вакилликлар ёрдамида умрини меҳнатга бахшида этган қарияларни соғломлаштиришга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Кейинги икки йилда касаба уюшмалари Федерациясига қарашли санаторийларда 750 нафардан ортиқ фахрий даволаниб чиқди.

Бултур Когонда содир бўлган техноген офат кунларида ўзаро ҳамкорлик янада қўл келди. Республика «Маҳалла» жамағмасининг бевосита ёрдами билан «Нуроний» жамағмаси вилоят бўлими ва касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ходимлари бошчилигида қўнғонликлардан 100 нафарининг Самарқандга саёхати ташкил қилинди. Шу ўринда «Нуроний» жамағмаси Самарқанд вилоят бўлими, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳамда «Маҳалла» жамағмаларининг туман аҳолисига кўрсатган ёрдамини алоҳида миннатдорлик билан тилга олиш жоиз. Бундан ташқари, Тошкент, Хива, Шаҳрисабз каби қадимий шаҳарларга икки минг нафардан ортиқ фахрийларнинг сафари уюштирилди.


Хотира ва қадрлаш кунинда фахрийлар, ногиронлар, якка-ёлғиз ва кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олиш, уларга совға-салом топириш доимий тадбирга айланиб бормоқда. Фақат ўтган йили 800 нафардан ортиқ шу тоифадаги инсонларга 8 млн. 800 минг сўмлик совғалар тақдим этилди. 100 ёш ва ундан ошган 146 нафар отахон ва онахонлар дусини олишга ҳаммиша шошиламиз.

Фахрийлар хар йили оромгоҳларда бўлиб, ёшлар билан учрашади, миллий аъналаримиз, урф-одатларимиз ҳақида мулоқотлар олиб борадилар.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» дастури доирасидаги юмушларни амалга оширишда ҳам қўларни бирлаштирган ҳолда иш олиб борилмоқда. Замо, ҳамкорлик чегара билмайди.

Юсуф ҚУРБОНОВ,
«Нуроний» жамағмаси Бухоро вилоят кенгаши
раиси

◆ Жамоа шартномаси амалда



Каршидаги «Ўзгеобургунефтгаз» акциядорлик компанияси ер ости бойликларини қидириб топиш ва мамлакат иқтисодий қудратини оширишга хизмат қилади. Кўп миллатли жамоанинг эришяётган ютуқларига йирик ташкилот тасарруфида фаолият кўрсатаётган «Техник таъмирлаш ва бутлаш» унитар шўба корхонаси муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Энг яхши рағбат

— Акциядорлик компанияси тармоқларидаги корхона ва ташкилотларни технологик ускуналар ва керакли жиҳозлар билан таъминлаш бизнинг зиммамизга юклатилган, — дейди корхона раҳбари Саид Ҳикматов. — Нафақат Марказий Осиё давлатлари, балки Хитой, Корея, Франция каби ривожланган мамлакатлардан ҳам бургулаш механизмлари, эҳтиёт қисмлари олиб келинади. Ташкилотчи ва ташаббускор мутахассис Эргаш Жумаев етакчилик қилаётган касаба уюшма ташкилоти ўз аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини химоялашга алоҳида эътибор қаратган. Маъмурият билан ижтимоий шерикчилик асосида ойлик маошлар ва қўшимча мукофотларнинг вақтида берилишига эришилмоқда.

Жамоа шартномасининг иккинчи бўлимидаги 16 та банд меҳнатга ҳақ тўлашга бағишланган.

Ходимларнинг иш стажига қараб йил якунлари ва самардорлик учун мукофотлаш тўртинчи бўлимида ишлаб чиқилган. Шунингдек, табиий нуку-

лай шaroитларда ишланганликларини учун ходимларга энг кам иш ҳақининг 4 баробаридан 25 баробаригача қўшимча ҳақ тўлаш йўлга қўйилган.

— Ташкилотимизда 250га яқин ходим меҳнат қилади, — дейди меҳнат ва иш ҳақи бўлими бошлиғи Д.Турсунова. — Хар бир кишининг ўртача ойлик маоши тўрт юз минг сўмдан зиёд. Меҳнатга ҳақ тўлаш тўлиқ кафолатланган.

Тармоқда кўп йиллар давомида меҳнат қилганларга 78 миллион 428 минг сўм моддий рағбатлантириш учун тўланган бўлса, 79 миллион 301 минг сўм ўн учинчи ойлик сифатида берилди.

Жамоа шартномасида белги-ланган имтиёزلардан оқилона фойдаланилмоқда. Барча ходимларга хар йили 15 иш кунидан кам бўлмаган таътил берилиб, қўшимча ҳақ тўланади. Бир йилда бир марта меҳнат таътилига чиққан кишиларга даволанишлари учун 43 миллион 204 минг сўм маблағ ажратилган. Иш вақтидан ташқари, дам олиш ва байрам кунларида бажарилган юмушлар учун икки баробардан кам бўлмаган миқдорда ҳақ тўлаш

тартиби жорий этилган. Меҳнат кодексининг 158-моддасига биноан туғни вақтида ишлаганларга соатига ярим баробардан кам бўлмаган миқдорда ҳақ тўланади.

Дизелчи Фарход Хўжакулов бир йил давомида 5 миллион 867 минг сўм ойлик ва мукофот олган. Унинг ўртача бир ойлик иш ҳақи 488 минг сўмни ташкил этади. Бундан ташқари, Фарход касаба уюшма йўланмаси билан «Геолог» шифо марказида даволаниб, соғлигини тиклади.

— Иш берувчи ва касаба уюшма қўмитасидан миннатдорман, — дейди юк ташувчи Акмал Гаффаров. — Ўртача ойлигим 528 минг сўм. Муҳими, иш ҳақи вақтида қўлимизга тегади.

Ишчилардан Тилло Хўжаёров ва Ҳасан Расуловларнинг ойлик иш ҳақлари ҳам 500 минг сўмдан кам бўлгани йўқ. — Йилни 756 миллион сўм фойда билан якунладик, — дейди корхона раҳбари биз билан суҳбатда. — Қўшимча тўлов

ва мукофотлар олинган фойда ҳисобидан берилади. Бундан ташқари, шаҳар маҳаллаларида яшовчи кам таъминланган оилаларга 3 миллион сўмдан зиёд хомийлик ёрдами кўрсатилди.


Муносиб иш ҳақи энг яхши рағбат эканлигини кор-

хона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитасининг ҳамкорликдаги фаолиятини яққол билиш мумкин. Шунинг учун ҳам жамоада аъло кайфият ва ҳамжиҳатлик муҳити юзага келган.

Иzzат ҲИҚМАТОВ,
«Ishonch» муҳбири



Ҳаёт ва Қонун



Ишчига қулайлик

Барча бошланғич таъкилотлар билан иш беришнинг ўртада тузилган жамоа шартномаларида ишчи меҳнатининг ҳафсизлиги, иш шартлирини яхшилаш бўйича қатор бандлар киритилган бўлиб, хусусан, ишловчи хотин-қизларни тунги ишларга қўймастик, саломатликлари учун алоҳида қайғуриш, болали оналарга ҳар томонлама қулайликлар жорий этиш, иш соатларини қисқартириш сингари қатор имтиёзлар қўлланиб келинмоқда. «Сурхонтекстил» ҳиссадорлик жамиятида меҳнат қилаётганларнинг аксариятини хотин-қизлар ташкил этади. Ишга қатнашлари учун корхона томонидан уларга автобус қатнови ташкил этилган. Иссиқ овқат билан таъминланган.

Тиббий пункт, маиший хизмат нукталари улар хизматида. Шахсий гигиена, дам олиш, ювиниш хоналари ташкил этилган. Меҳнат таътилига чиққанларга иш таърибасига қараб 2 кундан 9 кунгача қўшимча меҳнат таътили берилмоқда. Қумқўрғон туманидаги ўзбек-юнон «Олтин чигит» қўшма корхонасида амалга оширилаётган тадбирлар ҳам диққатга сазовордир. — Асосан уруғлик пахта чигитини туксизлантириш ва бугдой донини тозалаш билан шуғулланамиз, — дейди бош директор Ж.Менглибоев. — Чигит ҳамда донни тозалаш, қуритиш цехларимизга қиймати 450 минг АҚШ доллари бўлган замонавий асбоб-ускуналар ўрнатилган.

Меҳнатни муҳофазалаш юзасидан қасабақўм билан ишлаб чиқилган қўшма тадбирга кўра, ишчиларимизни сўт-қатиқ, махсус кийим-кечаклар билан таъминланамиз. Шовқин-суронли ҳамда кўплаб электр-энергияси ва меҳнат талаб қилмайдиган паст унумли машиналар серурум, камчиким, товушсиз ишлайдиган ускуналар билан алмаштирилди. Тўйнуқларга экологик мусофоланикни таъминлайдиган чанг ютич жихозлар, деворларга қўшимча ёриткичлар ўрнатилган. Эндиликда ишчилар ораста, чарогон, чангдан холи цехларда меҳнат қилмоқдалар.

Рустам ДАВЛАТ, «Ишонч» муҳбири

Баркамолликка эришган одам барча жонзотлардан юқори туради, аммо агар у қонунлар ва адолатга бўйсунмай яшаса, ҳаммасидан тубандир. АРАСТУ

2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

Иқтисодий ўсиш мамлакат учун муҳим аҳамиятга эга. Чунки имкон қадар кўпроқ миқдорда ҳамда сифатли товар ишлаб чиқаришга ва хизмат кўрсатишга эришиш туфайли бандлик, юқори турмуш даражаси кафолатланади.



Иқтисодий ўсиш аҳолининг салоҳияти, фан-техника тараққиёти, капитал қўйилмадан, инвестиция, технология ва хом ашё ресурсларидан фойдаланиш самардорлигига боғлиқдир.

Ўзбекистонда оқилона макроиқтисодий сиёсат амалга оширилиши натижасида иқтисоднинг биринчи босқичида 1990 йилдагига қараганда иқтисодий пасайиш МДХдаги бошқа мамлакатлардагидек оғир кечмади. Ялпи ишлаб чиқарилган маҳсулот 1995 йилда 1990 йилдагига нисбатан 18,2 фоиз камайди. Бу кўрсаткич Россияда 48, Қозоғистон ва Украинада 55 фоиз, Молдовада 2 бараваргача пасайиб кетди.

Ўзбекистонда ЯИМнинг энг кўп камайиши 1992 йилда кузатилган. Уша йили ЯИМ 11,1 фоиз, 1995 йили эса 1,2 фоиз камайган ҳолос. Республикада 1996 йилдан бошлаб иқтисодий ўсиш давом этмоқда. ЯИМнинг йиллик ўсиши 1996 йили 1,7 фоиз бўлган бўлса, 2006 йилда 7,3 фоизни ташкил этди.

Иқтисодий ўсишнинг юқори кўрсаткичи 2004 йилда тўғри келди. ЯИМ 107,7, саноат маҳсулоти 109,4, қишлоқ ҳўжалиги 110,1, асосий капиталга инвестициялар 105,2, курилиш ишлари 104,5, чакана савдо 105, экспорт 130,3, импорт даражаси 113 фоизни ташкил этган.

Иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари ҳам барқарор сурув-атда ривожланди, курилиш 8,3, транспортда юк ва йўловчи ташиш ҳажми 10,2, савдо соҳаси 7,2 фоизга ўсди. Булар орасида қишлоқ ҳўжалиги алоҳида аҳамиятга эга. Чунки мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг 55 фоизи агар савдода яратилди.

Қишлоқ ҳўжалиги дунё аҳолисига асосий озиқ-овқат маҳсулотини етказиш билан бирга енгил саноат учун маълум миқдорда хом ашё манбаи вазифасини бажаради. Шунинг учун қишлоқ ҳўжалигига катта эътибор бериш, тармоқ муаммоларини аниқлаш ва ҳал қилиш катта аҳамиятга эга.

Бугунги кунда қишлоқ ҳўжалиги учун мамлакатимизда жами 22,3 млн. га ер ажратилган. Жумладан, суғориладиган майдонлар 4,2 млн., томорқа ерлари эса 0,6 млн. гектарни ташкил этади. Соҳани ривожлантириш мақсадида 2008 йилнинг 9 ойида четдан 361 та трактор, «Class» компаниясидан 286 та доминатор, 130 та комбайн олиб келинди.

Бугунги кунда қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш бўйича ислохот мамлакатимизнинг чекка қишлоқларида ҳам давом этмоқда. Қашқадарё вилоятининг Нишон тумани мисолида оладиган бўлса, 2179 та фермер ҳўжалиги, 11319 та деҳқон ҳўжалиги фаолият кўрсатмоқда.

Туманда 2008 йили пахтадан 28 центнердан, галладан эса 52 центнердан ҳосил олинди. Бундай ютуқларни мамлакатимизнинг бошқа вилоят ва туманларида ҳам кузатиш мумкин.

Отабек РАЖАБОВ, Тошкент молия институтини талабаси

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ҳодимлари касабаси уюшмаси Марказий кенгаши ва Хоразм вилоят тармоқ кенгаши кенгаши бош ҳисобчиси Жуманиёз Якубовга ўли АЛИШЕРнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон енгил, меҳнат саноати ва коммунал-маиший хизмат ҳодимлари касабаси уюшмаси Марказий кенгаши, касабаси уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Марказий кенгашнинг вилоят вакилликлари Фарғона вилоят касабаси уюшма вакиллик аъзоси Аълохон Тошхўжаевага падари бузруквори ЮЛБАРС отанинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ҳодимлари касабаси уюшмаси Тошкент вилоят вакиллиги «Чорбоғ ГЭС курилиши»нинг раҳбари Тоҳир АШИРБЕКОВнинг вафот этганлиги муносабати билан оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

Шу йилнинг ўтган 4 ойи давомида Тошкент шаҳрида 343 та ёнғин кайд этилган. Етказилган моддий зарар миқдори 10 млн. сўмга яқин. Турли сабабларга кўра юзга келган ёнғинлардан 11 нафар фуқаро жароҳатланди, 16 киши вафот этди.

Шайхонтоҳур туманида шу даврда ўтган йилдагига нисбатан ёнғинлар сони 39,1 фоизга камайган, қўрилган зарар ҳам анча кам бўлди. Лекин лоқайдлик оқибатида кўнгилсиз ҳодисалар учраб турибди. Масалан, Самарқанд дарвоза Хўрият тор кўчасида яшовчи С.Содиқовнинг хонадонидан электр иситиш мосламаси назоратсиз қолгани боис ёнғин содир бўлди. Натижада, уйга анча шикаст етди. Энг ачинарлиси, ушбу хонадонда яшовчи фуқаронинг жасади топилди.

Лоқайдлик оқибати

Кечқурун ушбу уйда ёнғин бўлаётгани ҳақида хабар тушди. Жанговор бўлинмалар етиб борганда, 6-уй буткул, 8-уйнинг эса томи ёнаётган эди. Оқибатда, 6-уйнинг 293 м², 8-уйнинг 250 м² майдони ёниб кетган. Шу кўчадаги 22-, 24-уйларга ҳам зарар етган. Ёнғин хонадондаги АГВ мосламасининг қизиб кетиши натижасида содир бўлган.

Оқибатда таъкидланганидек, бу каби ҳодисалар бепарволигимиз оқибатида келиб чиқмоқда. Шунинг учун ҳамюртларимизга доимо ҳафсизлик қондаларига риоя қилиб, газ ва электр жиҳозларидан фойдаланаётганда эҳтиёт бўлиш, ёш болаларни уйда назоратсиз қолдирмаслик кераклигини эслатиб ўтамыз.

Д.РОҲАТАЛИЕВ, Шайхонтоҳур тумани ИИБ ЁХБ инспектори, капитан

Хавфдан холи...

Узоғимизни яқин, оғиримизни енгил қилиш йўлида беиннат ёрдамчи бўлган транспорт воситалари ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари ривожланишида муҳим омили саналади. Халқ ҳўжалигида транспортдан фойдаланиш қондаларига риоя этилишини таъминлаш одамлар хавфсизлиги, давлат ва жамоат мулкни асраш, шунингдек, транспортдан самарали фойдаланишнинг асосий шартидир.



Транспортдан фойдаланиш хавфсизлиги қарши ҳаракат қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортишга сабаб бўлади. Жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон судлари амалиёти хусусидаги статистик маълумотларни таҳлил этадиган бўлсак, бундай жиноятлар қарши қўрилган қўшма судлар томонидан 2007 йилда 266 та шўндай жиноят ишлари қўрилган бўлса, 2008 йилда 255 та суд қарори қабул қилинган. Мисол тариқасида бир жиноят тафсилотларини кўриб чиқсак. Беришнинг туманида яшовчи Ш.Сотимов «Жигули» маркали машинасида Нукус-Тўрткўл йўлининг четида орқа томонга бурилмоқчи бўлган ва йўл ҳаракати қондаларининг 10.1, 10.7-бандларини ўпол равишда бузган. Ш.Сотимов йўлнинг қатнов қисмига қиқиб кетиши оқибатида фуқаро Б.Улимбетовнинг «Нексия» автомашинаси билан тўқнашиб кетди. Бошқарувни йўқотиб қўйган Б.Улимбетов йўл четидан турган фуқаро Р.Нуруллаевага тегишли «Тико» машинасига

бориб урилган. Оқибатда, «Нексия»га 5.100.384 сўмлик чиқсак. Беришнинг туманида яшовчи Ш.Сотимов «Жигули» маркали машинасида Нукус-Тўрткўл йўлининг четидан орқа томонга бурилмоқчи бўлган ва йўл ҳаракати қондаларининг 10.1, 10.7-бандларини ўпол равишда бузган. Ш.Сотимов йўлнинг қатнов қисмига қиқиб кетиши оқибатида фуқаро Б.Улимбетовнинг «Нексия» автомашинаси билан тўқнашиб кетди. Бошқарувни йўқотиб қўйган Б.Улимбетов йўл четидан турган фуқаро Р.Нуруллаевага тегишли «Тико» машинасига

бориб урилган. Оқибатда, «Нексия»га 5.100.384 сўмлик чиқсак. Беришнинг туманида яшовчи Ш.Сотимов «Жигули» маркали машинасида Нукус-Тўрткўл йўлининг четидан орқа томонга бурилмоқчи бўлган ва йўл ҳаракати қондаларининг 10.1, 10.7-бандларини ўпол равишда бузган. Ш.Сотимов йўлнинг қатнов қисмига қиқиб кетиши оқибатида фуқаро Б.Улимбетовнинг «Нексия» автомашинаси билан тўқнашиб кетди. Бошқарувни йўқотиб қўйган Б.Улимбетов йўл четидан турган фуқаро Р.Нуруллаевага тегишли «Тико» машинасига

Элмурод РЎЗИМБЕТОВ, Қорақалпоқ давлат университети талабаси



Банкротликка оид қонунчилик моҳияти

«Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 2003 йил 24 апрелда янги таҳрирда қабул қилиниши билан банкротлик таъминини янада соддалаштириш, банкрот деб эътироф этилган корхоналарни тугатиш, самарадорлигини оширишга ҳамда корхоналарга иқтисодий аҳолини ўнглаб олиши учун имконият яратишга қаратилган суд санацияси ва ташқи бошқарувни жорий этиш чора-тадбирлари қўллана бошлади. Хусусан, республикамизда ривожланиб бораётган бозор муносабатлари товар ишлаб чиқарувчилардан бозор қонунларига итоат этишни талаб қилмоқда. Натижада, ҳўжалик судларига келиб тушаётган банкрот деб топиш тўғрисидаги аризалар сони кўпайиб бораётган. 1996 йилда ҳўжалик судлари томонидан 64 та корхона банкрот деб топилган бўлса, 2007 йилда бу кўрсаткич 4539 тани ташкил этди.

Таъкидлаш керакки, банкротлик ишлари ҳўжалик судлари томонидан қўриб ҳал этилиши туфайли суд амалиётини мунтазам равишда ўрганиб бориш ва тегишли тавсиялар ишлаб чиқишни тақозо этади. 2006 йил 27 январда Ўзбекистон Олий ҳўжалик суди пленумининг «Ҳўжалик судлари томонидан «Банкротлик тўғрисида»ги қонунни қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги 142-қарорининг қабул қилиниши шу тоифадаги ишларни қўриб ҳал этишда муҳим қўлланим бўлди.

Ҳўжалик судининг қарорини ижро қилишда тугатиш комиссияси тузилса ва ташкилотни тугатишга қадар қарздор мулкнинг нархи кредиторларнинг талабини қондириш учун етарли эмаслиги аниқланса, бундай қарздорнинг банкротлиги процедури қўлланади. Банкротлик фақат ҳўжалик суди томонидан эътироф этилганда ёки субъект ихтиёрий равишда тугатилаётганда, унинг ўзи расман эълон қилганда кейин ҳўжалик юритиш субъекти банкрот бўлган ҳисобланади. Кейинги йилларда ноқорликни ҳуқуқий тартибга солишда қатор янгиликлар юз берди. Биринчидан, ноқорлик нафақат савдо соҳаси, балки фуқаролик ҳуқуқи субъектларига нисбатан ҳам қўллана бошлади. Иккинчидан, қонунчиликда кўзда тутилган танлов жараёнига бу жараёни «енгиллаштирувчи» шакллар қўшилди. Жумладан, молиявий қийналаётган шахсга бутулай инкорозга дучор бўлишдан омон қолиши учун шартли яратилиб, унга келишув битими тузиш, ҳар хил имтиёзлар бериш, масалан, қарз тўлаш муддатини узайтириш, муайян шартлар бажарилганда уни тўлаш мажбуриятдан озод қилиш кабилар белгилаб қўйилди. Учинчидан, тугаб кетиши миллий ва минтақавий иқтисодиёт учун катта аҳамиятга эга бўлган корхоналарга (агар ўша ҳалокатли ҳолатга таъсир қилишса) давлат имтиёзли кредит, заём, бегараз маблағлар беради. Қонуннинг 76-90, 91-123-моддаларида суд санацияси ва ташқи бошқарув ҳуқуқий институтидан фойдаланишга эътибор қаратилган.

Юридик шахслар ноқор бўлиб қолганда, қонунчилик унинг мажбуриятини амалдаги раҳбарларига юклашга ҳаракат

Бозор муносабатлари шароитида самарали фаолият юритишнинг асосий шартлари барча ҳўжалик субъектлари иштирок этадиган рақобат ҳисобланади. Бозор муносабатларининг мазмунини шуки, зарар қўриб ишлайдиган ҳўжаликлар ўз-ўзидан синади. Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтиши корхоналар фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишни тақозо этади. Мамлакатимизда узоқ йиллар давомида ҳўж сурган маъмурий бошқарув тизими ҳўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий манфаати принципи эмас, балки мафқуравий, сиёсий ва бошқа шу каби юқори таъкилотларнинг кўрсатмаларига асосланган эди. Бунинг натижасида кўплаб корхоналар янги иқтисодий шароитга мослаша олмай синапти, баъзилари эса техник замонавийлаштириш ва молиявий соғломлаштиришга муҳтож бўлмоқда.

қилмоқда. Зеро, ноқорлик айнан ўша расмий ва норасмий раҳбарларнинг хатти-ҳаракатлари натижасида содир бўлган. 1998 йил 4 мартда Ўзбекистон Президентининг «Ҳўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ноқорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги фармони қабул қилинди. Мазкур фармон талаблари бузилганлиги учун Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг қарори билан корхона банкротлик ҳолатига олиб келган «Ал-Абдуқодир» хусусий фирмаси раҳбари ҳисобидан 15.984.000 сўм жарима ундирилган.

Бундай жавобгарлик қоралари хорижий давлатлар амалиётида ҳам мавжуд. Масалан, АҚШ Олий суди давлат манфаатини қўзғаб киритилган давлолар бўйича банкрот бўлган таъкилотлар раҳбарлари, хизматчилари ва маслаҳатчиларидан 700 млн. доллар ундириб олган. Банкротлик муносабатлари қўпгина қонун ҳужжатлари ва процессуал ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинади. Бу истиқболсиз ва ноқор таъкилотларни тугатиш ҳисобига иқтисодий мухитни яхшилашга ҳамда кредиторларнинг мулкий манфаати ва ҳуқуқлари ҳимояси учун муайян кафолатларни юзати қелтиришга, шу билан бирга, ҳўжалик муносабатларини мустақамлашга юқори даражада таъсир этади.

А.ШУКУРУЛЛАЕВ, Тошкент шаҳар ҳўжалик суди судяси, юридик фанлари номзоди

Чойчақага сотилса қадр...

Гийҳванлик нафақат шахс, балки жамият ва давлатнинг ҳам душманидир. Турмушимизда бунга мисол қўпилига қарамасдан, бойлик орттириш илминда ўз қадрини гаровга қўйдиганлар ҳам учраб туради.

Ургут шаҳрида яшовчи, 1970 йили туғилган Шамсиддин Аҳров тоғни урса талқон қиладиган пайтида жиноятга қўл урди. Шамсиддин Ургут, бозорига бориб, тўғри жараёнда шахсини аниқлаш имкони бўлмаган кишидан кўп миқдорда оғир сотиб олади. Заҳри қотилини кейинроқ қимматга сотиш илминда сақлаб юради. Орадан икки кун ўтган, оғуфурини ташлаган «қармоқ»лардан бири тебраниб қолди. Ҳамтовови Азим Шарипов «юк» учун нақд 90.000 сўм санаб беради ва қимматроққа пуллаш учун харидор излай бошлади. Қарағки, Фарух исми «харидор» унинг мушқулини осон қилиб, молни 109 мингга баҳолайди. Савдоси юришган Азим пулни санаб олаётган эди ҳамки, қандайдир забордаст қўллар билан қўридан тугди. Чунки Фарух Самарқанд вилоят ИИБ ҳодимлари томонидан назорат тартибда наркотик моддани сотиб олиш тадбирига ҳаридор сифатида жалб қилинган эди. Самарқанд шаҳар ИИБ ҳодимлари ўтказиб берган ана шундай тадбирлардан бирида оғуфурини қасб қилиб олган Раҳмат Ўзбекнинг ҳам ноқонуний ҳаракатларига чек қўйилди. У харидор сифатида жалб қилинган Миша исми шахсга кўп миқдорда геронин топиб беришни ваъда қилиб, олдиндан 5 минг сўм олади. Кейин таниши Жамшед Абдуғафоровдан ўша пулга наркотик модда сотиб олади. Икки дона қозоқ бўлагига қадокланган оғуни харидорга тутқазиб, пулни санаши бошлаган ҳам эдики... Ҳар иккала ҳолат юзасидан жиноятчилар жазосини олди.

Алишер ЗОКИРОВ, Самарқанд шаҳар прокурори

Ҳурматли юртдошлар ва тадбиркорлар!

2009 йил 26 май куни соат 11.00 да «Жиззах кўчмас мулк» МЧЖ томонидан (Жиззах шаҳри Шароф Рашидов шоҳ кўчаси, 14) бошланғич баҳосининг босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига қуйидаги объектлар қўйилади:

1. Жиззах вилоят Ҳўжалик судининг 13-0807/2508-сонли иш бўйича 07.05.2008 йилдаги ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб эътироф этилган, умумий ер майдони 1,4 га бўлган, Зомин туманидаги «26-сонли автотранспорт корхонаси» МЧЖнинг Зомин шаҳарчаси Мустақиллик кўчасида жойлашган, 32 бирликдаги мол-мулкларни мажмуа сифатида (мажмуага жамиятнинг 7 та бино-иншоотлари, 17 та автотранспорт воситалари ва 8 та ишчи жиҳозлар киритилган) 120.500.000 сўмлик бошланғич нарх билан;
2. Жиззах вилоят Ҳўжалик судининг 13-0708/1864-сонли иш бўйича 19.06.2008 йилдаги ҳал қилув қарорига асосан, банкрот деб эътироф этилган, умумий ер майдони 2,5 га бўлган, Зарбдор туманидаги «Электромонтаж» МЧЖга қарашли 11 бирликдаги бинолар алоҳида-алоҳида лотлар билан 3 та мажмуа сифатида (мажмуага жамиятнинг бино-иншоотлари, асбоб-ускуналари инвентарлари киритилган) жами 150.500.000 сўмлик бошланғич нарх билан қўйилади. жумладан:

- 1-лот. Зарбдор шаҳарчасидаги қурилиш ости ер майдони 1304 м². бўлган 4 бирликдаги бинолар (1-мажмуа) — бошланғич нархи 46.000.000 сўм;
- 2-лот. Зарбдор шаҳарчасидаги қурилиш ости ер майдони 832 м². бўлган 2 бирликдаги бинолар (2-мажмуа) — бошланғич нархи 43.000.000 сўм;
- 3-лот. Даштбод шаҳарчасидаги қурилиш ости ер майдони 479,68 м². бўлган 5 бирликдаги бинолар (3-мажмуа) — бошланғич нархи 61.500.000 сўм.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабдорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини Савдо ташкилотчиси («Жиззах кўчмас мулк» МЧЖ)нинг ҳисоб рақамига тузилашга «Зақалат пули тўғрисидаги Қелишув»га асосан тўлашлари лозим. Савдо голиби объектнинг тўлиқ қийматини савдо натижалари тўғрисида яқуний баённомага ва белгиланган тартибда Сутуви билан тузиладиган олди-сотди шартномасига асосан тўлаб беради. Бундан ташқари, тугатиш (суд) бошқаруви томонидан объектларни сотиб олган харидорларга янги ишчи ўринлари ташкил этиш, инвестиция қилиш ва объектларни бузмасдан, белгиланган тартибда фаолият кўрсатишни таъминлаш шарт (мажбурият)лари қўйилади.

МАЪЛУМОТЛАР УЧУН МАНЗИЛ: Жиззах шаҳри Ш.Рашидов шоҳ кўчаси, 14-уй. (вилоят касабаси уюшма ташкилотлари Кенгаши биноси, 3-қават). Телефонлар: (+99890) 265-20-25 ёки (+99890) 168-59-32

◆ 18 май — Халқаро музейлар куни

Архив материаллари ҳозирги Ўзбекистон давлат санъат музейи 1974 йилга қадар бир эмас, бир неча жойга кўчиб юрганидан далолат беради.

Музей тарихи Россия империясида уч юз йилдан ортиқ ҳукмронлик қилган Романовлар сулоласига бориб тақалади. 1881 йил июл ойида сургун қилинган Николай Романов хотини Надежда билан Самара-Павловск саройидан Тошкентга кўчиб келади.

Фулум, уста Машариф, уста Али, уста Зокир, уста Расул каби меъморларнинг иштирок этгани тилга олинади. Улар ғишт териш, сувочилик ишларига бош-қош бўлишган. Санъатшунос С.Круковскаянинг «В мире сокровищ» китобида: «Саройнинг икки хона-

шамоллашдан вафот этган) кол-лекцияси асосида музей очилди. Князнинг хотини музейнинг хазинабони, rassom М.Вербов эса биринчи раҳбари эди. Кейинчалик музейни rassom А.Волнов, Н.Шелс, К.Трафимовлар бошқарган. Музей 1934 йил 16 ноябрдан

«Князь Романов уйи»



Ўзбекистон Санъат музейи тарихи хусусида

«История моей жизни» китобида эса: «Икки хонаси форсий гиламлар билан безатилган. Булар Куюктепа, Табриз, Буюро ва Хивадан келтирилган эди», — дейилади. Саройнинг икки қавати, ун тўрт хонасида рус, фарб, айрим Шарқ санъатига мансуб 120 та рангтаъвир, 500 та хайкал ва амалий санъат турларидан иборат ашёлар ўрин олади.

Электротехника заводига (ҳозирги «Фотон» корхонаси) кўчиб ўтди. Биринчи марта Ўзбек Файзи Воисовга нафосат масканини бошқариш ҳуқуқи берилди. Уддабурон раҳбар характерлари билан у 1935 йилда Ўзбекистон давлат санъат музейи номини олди. Барча санъат турини қамраб олган музей тарихи ривожлана бошлади. Унда маслаҳатчи бўлиб ишлаган Абдулла Қодирий ҳам:

«Тошкент князи» номини олган Н.Романов 1883 йили Анхор яқинида кўпгина бинолар муаллифи инженер Б.Гейнцелман лойиҳаси асосида мухташам иморат қурдиради. Бу ўзига хос санъат қасри ҳамон одамлар эътиборини ўзига тортиб келади.

Пишиқ ғишларнинг ўзидан жимжимдор нақшлар тушириб қурилган княз саройи атрофидаги богда нафақат турли хайвонларнинг хайкаллари, балки муслмонлар учун одат бўлмаган одам хайкаллари ҳам бор эди. Ит, кийик, фил хайкаллари сарой эшигининг тепаси, икки тарафига ўрнатилгани князнинг жониворларни яхши кўрганини англатади.

Ушбу биринчи хайкалтарошлик боғини ноёб санъат намунаси десак арзийди. Сарой қурилишида турли миллат меъморлари қатнашган. Архив маълумотларида уста Оқил, уста

«Хар кинсанким бахти кулса, Халқига жон ила ҳазрат қилса, Луғфи-қарамга сазовор бўлмай, Атрофи зару зовар ила тўлмай», — дея Файзи Воисовни беҳиж басф этмаган.

1937 йилдан музейни В.Афанасев, 1941 йилдан эса драматург Умаржон Исмоилов бошқара бошлади. Уша йили 22 июнда бошланган уруш музей ишларида бир қатор қийинчиликлар туғдириди. Музей биноси қурол-яроғ ишлаб чиқариш корхонасига айлантирилди. Натихада, нафосат маскани савдо-сотик учун қурилган университет биносига кўчирилди. Бинонинг торлигидан экспонатларнинг айримлари тарих музейида сақланди. Шу сабаб Умаржон Исмоилов ҳар томонга зир югуриб, турли ташкилотларга (уруш тугаб, музей бошқа кенг бинога ўтгач, қайтариб берилиши тайинланиб) 115 та картина, 11 та хай-

кални тарқатди.

Бадий билим юртини таъмомлаб, ишни музейда экскурсоводликдан бошлаган му-савир Шамсирўй Ҳасанова 1946 йил 5 январдан унга раҳбарлик қила бошлади. Тарқатилган ашёлар жойига қайтарилди. Экспонатлар сони 15.318 тага етди. Шамсирўйнинг сай-ҳаракати билан 1948 йилда музей театр томошаларига мослаб қурилган (меъмор Леханов) икки қаватли бинога кўчиб ўтди. 1932 йилдан 1951 йилгача Министрлар Совети биноси ва боғини беэаб турган 11 та мрамор хайкал яна музей хоналарига қўйилди.

Ўзбекистон давлат санъат музейи экспонатлари 32 мингга етганида раҳбар Шамсирўй Ҳасанова оғир касалликдан вафот этди. 1957 йилдан музейни иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси, rassom Самиг Абдуллаев бошқарди. Унинг даврида музей ишлари янада яхшиланди. Аммо 1966 йили юз берган zilзилада музей биноси шикастланиб, 40 мингга санъат намунаси хаф остида қолди.


Уша пайтлар музей тарихида қийин давр бўлди. Самиг Абдуллаев тинмади, ҳар тарафга югурди. Ниҳоят музей хазинаси Дўрмон қишлоғидаги маданият саройига кўчирилган бўлди. 160 та ходим экспонатларни авайлаб жойлаштирар, Тошкент театр ва rassomлик санъати институти талабалари (камина ҳам бор эди) ва ҳарбий хизматчилар эса бу экспонатларни ташин-шар эди. Дўрмон қишлоғи Тошкентдан 20 километр узокда бўлса ҳам музей ишлари тўхтаб қолмади. 1967 йилдан ҳозирги Амир Темури хибони ёнбошидаги мадрасани эслатувчи бинода Санъат музейи хазинасидаги асарлар намойиши давом этди.

Кейинчалик музейнинг эски биноси ўрнига беш қаватли янгиси қурила бошланди ва етти йилда битказилди. 1974 йил 30 апрелда ишга тушди. Асосан, элликта хонага экспонатлар намойиш учун қўйилганди. Узокдан «Олтин сандиқ»ни эслатувчи мухташам бино кўшб нуриларда янада кўркам қуринарди. Эндиликда музей экспонатлари 50 мингга етган бўлиб, бир йилдан 250-300 минг томошабин ташриф буюради. 30 дан ошмиқ илмий ходим эса мухлислар хизматиди.

Маҳмуд АХМЕДОВ,
Ўзбекистон бадий академияси аъзоси, санъатшунос

◆ Бел олиш кураши

Паркент шаҳридаги «Кўшчино» кураш аренасида бел олиш кураши бўйича Ўзбекистон чемпионати ҳамда Хотира ва қадрлаш кўнига бағишланган халқаро турнир бўлиб ўтди.



Хотира ва қадрлаш турнири

Наманганлик Адхам Қаҳҳоров, самарқандлик Руслан Хизиров, андижонлик Махсум Турғунбоев, қорақалпоғистонлик Ойбек Абдухаликов, Тошкент вилояти полволлари Жасур Эргашев, Исом Ғамов, Ғолиб Аҳмедов ўз вазн тоифаларида бел олиш курашининг чалиш йўналиши бўйича мамлакат чемпиони деган шарафга эга бўлишди.

Шунингдек, турнир доирасида Тожикистон, Қирғизистон ҳамда мамлакатимизнинг турли вилоятларидан келган полволлар «чалиш» ва «кўтариб уриш» йўналишлари бўйича гиламга чиқишди.

Халқаро белбоғли кураш федерацияси президенти Риф Гайнанов ҳамда олимпиада чемпиони Шамил Хисомидиновнинг «Кўшчино»га ташрифи мусобақага ўзгача фойз киритди.

Хотира ва қадрлаш кўни муносабати билан паркентлик марҳум полволлар ёдга олинди, 30 нафарга яқин курашчи ташкилотчилар томонидан совғалар топширилди.

Турнирнинг энг кучлилари ўртасида мутлоқ ғолиблик учун ўтган финал баҳсида Исқандар ва Нуриддин Маҳаматов рубару келди. Курашда Нуриддин ғолиб чиқди.

Ғолиб ва совриндорлар медаллар, диплом ҳамда пул мукофотлари билан тақдирланди.

Риф Гайнанов, Халқаро белбоғли кураш федерацияси президенти:

— Паркентдаги халқаро хотира турнири ҳақида кўп эшитгандим. Барибир, кўрган бошқача экан. Мухлисларнинг ҳар бир чиройли усулни олқишлар билан қарши олиши уларнинг кураш усуллари яхши билишидан далолатдир. Қолаверса, юртингизда кучли полволларнинг кўплиги мени хайратга солди.

Хусайнбой Орипов (Тожикистон):

— Ўзбек ва тожик халқлари ўртасидаги дўстона алоқалар спортда ҳам ўз аксини топган. 3 май кўни Уратепеда ўтган халқаро турнирга Ўзбекистонлик полволлар ташрифи буюриб, бахсларни қизитган эди. Энди эса тожикистонлик 15 нафар курашчи Паркентда ўз омадини синаб кўрди. Улардан Х.Тошмуродов, С.Эрназаров, А.Сатторов совриндор бўлди.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» муҳбири

◆ Касаба уюшма спорти

Спорт ва санъат кўриги

Чирчиқ шаҳрида Ўзбекистон энгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Тошкент вилояти бўйича вакиллик томонидан Чирчиқ ахборот технологиялари касб-хўнара коллежида корхоналар ўртасида спартакиада, бадий жамоалар ўртасида эса кўрик-танлов ўтказилди.

Юзга яқин киши қатнашган иккала тадбирда шашка, энгил атлетика, арқон тортиш, стритбол бўйича мусобақалар ўтказилди. Аёллар ўртасида шашка бўйича 1-ўринни Тошкент вилояти кўзи ожизлар жамоаси аъзоси Х.Нурматова эгаллаган бўлса, энгил атлетика бўйича Чирчиқ шаҳар «Сувқоова» ташкилоти ходими Елена Хванга тенг келадигани топилмади.

Оилавий мусобақаларда Фахриддиновлар оиласи ғолиб бўлишди. Бадий ҳаваскорлик танловида иштирокчилар тўрт шарт бўйича маҳоратини намойиш этишди. Унда 1-ўрин Чирчиқ ахборот технологиялари касб-хўнара коллежи жамоасига насиб этди. Ғолиблар диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Ўз муҳбиримиз



Muassis:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:

Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati:

Alla DOLJENKOVA, Anvar YUNUSOV, Dovud MADIYEV

(Bosh muharrir o'rinbosari),

Jahongir SHAROFBOYEV

(Mas'ul kotib),

Ma'mura ADILOVA, Mirzohid SODIQOV, Normamat AIYOROV,

Nosirxon AKBAROV, O'sirulov NAFASOVA, Pirmuqol QODIROV,

Sog'indiq NIYETULLAYEV, Shamsi ESONBOYEV

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti

256-87-63

Huquq va xalqaro hayot

256-87-73

Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat

256-87-74

Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport

256-82-79

Xatlar va muxbirlar bilan ishlash

256-85-43

Reklama va e'lonlar

256-03-90

Manzilimiz:

100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

E-mail: ishonch-doverie@mail.ru

Nashr ko'rsatkichi:

133

Navbatchi muharrir:

A. Toshev

Navbatchi:

A. Abdiyev

Musahhih:

S.Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyat-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

h) Tijorat materiallari

Bosishga topshirish vaqti - 21.00. Topshirildi - 18.20

Byurogma Г — 461

18410 nusxada bosildi




ISSN 2010-5002

2 5 6

Ўзбекистон Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси

МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Ўзбекистон Кон-металлургия саноати ходимлари куни билан соҳа меҳнаткашларини самимий муборакбод этади!



Мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини янада юксалтириш ва диёримизнинг гуллаб-яшнаши йўлидаги саъй-ҳаракатларингизда янги зафарлар тилаймиз.